МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИ РАҲБАРЛАРЛАРНИНГ МЕНЕЖЕРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Байбаева Мухайё Худайбергеновна
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, “Педагогика” кафедраси профессор в.б., педагогика фанлари доктори
Имомов Инъомиддин Абдулхамидович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Умумий ва аниқ фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада малака ошириш тизими раҳбарларининг самарали бошқарув фаолиятида менежерлик кўникмаларини шакллантириш ҳақида маълумотлар ёритилган. Малака ошириш тизими раҳбарларининг бошқарув фаолиятида амалий, маъмурий, таълим менежментининг аҳамияти ҳақида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: таълим, менежмент, раҳбар, фаолият, тизим, функция, таълим муассасаси, стратегия.

Аннотация: В данной статье приводятся сведения о формировании управленческих навыков в эффективной управленческой деятельности менеджеров системы обучения. Обсуждается значение практического, административного, образовательного менеджмента в управленческой деятельности руководителей системы профессионального развития.

Ключевые слова: образование, менеджмент, руководитель, деятельность, система, функция, учебное заведение, стратегия.

Abstract: This article provides information on the formation of managerial skills in the effective managerial activity of training system managers. The importance of practical, administrative, educational management in the management activities of the leaders of the professional development system is discussed.

Keywords: education, management, leader, activity, system, function, educational institution, strategy.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташкилот ва корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ [6].

Бугунги кунда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш шароитида раҳбарларни (бошқарувчиларни) тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда менежерлик кўникмаларни шакллантириш алоҳида ўрин тутади.

Менежмент - инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида бошқарувни ташкил этиш (бошқариш, бошқарув хокимияти, ташкил этиш), раҳбарлик қилиш (режалаштириш, тартибга солиш-мувофиқлаштириш, назорат қилиш) маъноларини англатади. Менежмент - бу кўзланган мақсадларга эришиш учун фаолиятни, яъни инсонлар ёки уларнинг гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш усуллари, шакллари ва воситалари мажмуи [5].

Содда қилиб айтганда, менежмент умумий ҳолда у ёки бу фаолият турини ташкил этишни ва унга раҳбарлик қилишни, яъни турли хил соҳаларда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг хатти-харакатларини, муносабатларини мувофиқлаштириш, уларнинг имкониятлари ва қобилиятларидан тўғри фойдаланишни ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқаришни билдиради. Менежмент энг аввало инсонларни бошқаради, уларни ўз фаолиятига қизиқтириш, тадбиркорликка, меҳнатга ижодий ёндашиш, ўзига ишониш туйғуларини шакллантириш, соҳалар бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашига кўмаклашиш, янгиликка ва ижодкорликка чорлаш, инсонларнинг фаолиятини бошқариш демакдир [1].

Мутахассисларнинг фикрига кўра, умумий менежмент барча хўжалик юритиш тизими учун тааллуқли бўлиб, амалий, инновацион ва стратегик менежментни ўз ичига олади. Амалий менежмент ҳам барча бошқарув соҳаларига тааллуқли бўлиб, инновацион менежмент ва стратегик менежмент амалий менежментни такомиллаштиришга йўналтирилган бошқарув фаолиятидан иборатдир.

Менежмент фан сифатида ўз мақсадига кўра қуйидагиларни ўрганади: бошқариш назарияси ва амалиёти; бошқариш объект ва субъекти; бошқариш тамойиллари ва усуллари; раҳбар маданияти; раҳбар ва лидер, уларнинг фазилатлари; раҳбар рейтинги; бошқаришда киришувчанлик ва қарор қабул қилиш; бошқариш функциялари; ходимларни бошқариш; ишлаб чиқаришни бошқариш, самарадорликни бошқариш; ўз-ўзини бошқариш; худудий бошқариш ва х.к.

Маъмурий менежмент бошқаришнинг махсус қисми бўлиб, бошқарувчи тизим ичидаги муносабатларни, унинг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари, усул ва услубларини ўрганади, яъни турли соҳа ташкилотлари маъмурияти фаолиятларини ташкил этиш, режалаштириш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, мотивация қилиш (ундаш) ҳамда раҳбарликни оқилона уюштириш усулларини ўрганади [2].

Маъмурий менежментнинг асосий мақсади - ташкилот маъмурияти ривожланишида уйғунликни таъминлашдан, яъни ташкилотнинг барча ички ва ташқи элементлари фаолиятининг самарадорлигини ва мақсадга

мувофиқлигини таъминлашдан иборатдир. Маъмурий менежментнинг асосий субъектлари - маъмурий бошқариш аппаратлари, уларнинг бўғинлари ва турли поғонадаги раҳбарлар ва ходимлар бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишли вазифаларга, ваколатларга ва масъулиятларга эга бўлади [3].

. Таълим менежменти - бу илмий асосда ташкил этилган, ўзига хос поғонавийликка асосланган бошқарув: раҳбар, педагогик жамоа, таълим олувчилар жамоаси. Шунга кўра бошқарувни турли хил моделлар асосида амалга ошириш мумкин: интеграл модел, биринчи поғона - педагогик жамоа фаолиятини бошқариш, иккинчи поғона - ўқувчилар фаолиятини бошқариш.

Таълим менежменти фани таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти, бошқарув функциялари ва методлари, бошқаришнинг қонун-қоидалари ва тамойиллари, раҳбар фазилатлари, бошқарувда тарбиявий муносабатлар ва раҳбарлик услублари, бошқарув масъулияти ва маданияти, таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари, таълим муассасаларини бошқаришда ахборот ва коммуникация, раҳбарларнинг инновацион фаолиятлари, таълим муассасаларининг ташкилий тузилиши, стратегик бошқарув ва режалаштириш, раҳбарнинг иш вақти ва ундан фойдаланиш, персонални бошқариш ҳамда таълим муассасаларини бошқаришда мотивлаштириш ва мотивлаштириш назарияларини тадқиқ этади [4].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти, функциялари, методлари, бошқаришнинг қонун-қоидалари ва тамойиллари, раҳбар фазилатлари, бошқарувда тарбиявий муносабатлар ва раҳбарлик услублари, бошқарув масъулияти ва маданияти, бошқаришда ахборот ва коммуникация, раҳбарларнинг инновацион фаолиятлари ҳақида малака ошириш курсларида менежмент кўникмалари шаклланади.

Адабиётлар:

1. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. -Тошкент: “Шарқ”, 2002. 33-36 бет.

2. Йулдошев Ж. Ғ. Таълим янгиланиш йулида. - Тошкент: “ўқитувчи”, 2000. 19 бет.

3. Джўраев Р. Х., Турғунов С. Т. Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. - Тошкент: “Фан”, 2006. 29-32 бет.

4. Тўхтабоев А. Маъмурий менежмент. - Тошкент: “Молия”, 2003. 12 бет.

5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. - Тошкент: “Ўқитувчи”, 2001. 14 бет.

6. Байбаева М. Х. Таълим муассасаларида раҳбар аёлларнинг бошқарув фаолиятидаги роли //integration of science, education and practice. scientific-methodical journal. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 59-66.

7. Байбаева М. Х. Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятларида соғлом ва ижодий муҳитни яратишга хос замонавий ёндашувлар //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 4-2. – С. 403-411.